

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

ИСРАИЛОВА МАҲСУДА НИҒМАТУЛЛАЕВНА

ЛОТИН ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТИББИЁТ ОЛИЙ
ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИ ИНТЕЛЛУКТУАЛ-
МАДАНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(лотин тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018 йил

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Pedagogical sciences**

Исраилова Маҳсуда Нигматуллаевна

Лотин тилини ўқитиш жараёнида тиббиёт олий таълим муассасаси талабаларини интеллукуал-маданий ривожлантиришнинг дидактик асосларини такомиллаштириш..... 3

Исраилова Маҳсуда Нигматуллаевна

Совершенствование дидактических основ интеллектуально-культурного развития студентов медицинских высших образовательных учреждений в процессе обучения латинскому языку 23

Israilova Mahsuda Nigmatullavna

Improvement of didactic basis of intellectual-cultural development of the students of medical higher educational institutions in teaching the Latin language 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

ИСРАИЛОВА МАҲСУДА НИҒМАТУЛЛАЕВНА

ЛОТИН ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТИББИЁТ ОЛИЙ
ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИ ИНТЕЛЛУКТУАЛ-
МАДАНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(лотин тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018 йил

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Ped22 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uswlu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эгамбердиева Нодира Мелибаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудова Муяссар
педагогика фанлари доктори, профессор

Тошхонов Мухаммадали Турдалиевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ кuni соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

Г.Х.Бакиева

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Н.Ж.Исакулова

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, пед.ф.д., доцент

Л.Т.Ахмедова

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, пед.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тиббиёт соҳасининг жадаллик билан ривожланиши лотин тилини ўқитишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида лингвистик тафаккур ривожланишни эътиборга олган ҳолда ўқитиладиган лотин тилининг грамматик шакл ва категорияларини антик маданиятни ўзлаштириш асосида таркиб топтириш, абстракт грамматик фикрлашни масофавий онлайн очик курсларида ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда тиббиёт олий таълим муассасаларида лотин тилини чуқурлаштирилган ҳолда ўқитишнинг ўқув-услубий таъминоти алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан компетентциявий ёндашув асосида тиббиёт олий таълим муассасаларида лотин тилини ўқитишнинг методик таъминотини модернизациялаш, талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг дидактик асосларини концентризм тамойили бўйича фундаментал ва амалий билимлар асосида такомиллаштириш, интеллектуал-маданий тавсифдаги ўқув материалларини тизимлаштириш таксономиясини аниқлаштириш заруратини изоҳлайди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 219-бандида «республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва олий ўқув юртлари клиникалари етакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда кенг тарқалган касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу, ўз навбатида, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасида лотин тилини мутахассислик фанлари билан интеграллашган ҳолда чуқур ўрганиш, дидактик асосларини эътиборга олиб такомиллаштириш, талабаларда лингвокультурологик компетенцияни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – № 6 (766) -70-модда. – Т.: Адолат, 2017. – Б.38.

технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим олувчиларни интеллектуал-маданий ривожлантириш масалалари Н.Азизхўжаева, О.Мусурмонова, Н.Сафаев, Р.Суннатова, А.Абдираззаков, Ф.Юзликаев, Ж.Искендеров, Н.Эгамбердиева² каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Россияда лотин тилини ўрганиш масаласи В.Ярхо, В.Лобода, А.Бабушкин, А.Белов, Я.Боровский, Н.Кацман, В.Мирошенкова, Н.Федоров, А.Подосинов, Л.Труженикова ҳамда лотин тили ва тиббий терминологияси эса М.Н.Чернявский³ кабиларнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда лотин тилини ўрганишга доир ўқув қўлланмалар, луғатлар ва мақолалар Л.Ходжаева, Ё.Туракулов, А.Усманходжаев, С.Якубов, М.Болиев⁴ томонидан яратилган.

Тиббиёт олий таълим муассасаси талабаларини лотин тилини ўқитишда интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг дидактик асосларини такомиллаштириш масаласи тадқиқ этилмагани боис мазкур мавзу билан боғлиқ илмий тадқиқот ишини олиб боришини тақозо қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-

² Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000. – 52 б.; Мусурмонова О. Юқори синф талабалари маънавий маданиятини шакллантиришнинг шакл ва методлари. – Т.: Фан, 1995. – 165 б.; Сафаев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодежи: Автореф. ... дисс. док. пед. наук. – Т., 2005. – 38 с.; Суннатова Р.И. Индивидуально-типологические особенности мыслительной деятельности: Автореф. дисс. ... док. псих. наук. – Т., 2001. – 41с.; Абдираззаков А.А. Национальные духовные ценности и их место в самосознании нации: Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Т., 1995. – 24 с.; Юзликаев Ф.Р. Теория и практика интенсификации дидактической подготовки будущего учителя в системе высшего педагогического образования (на материале педагогических дисциплин): Дисс. ... док. пед. наук. – Т., 2005. – 303 с.; Искендеров Ж.С. Педагогика коллежи талабаларида характернинг интеллектуал ва иродавий хусусиятларини шакллантириш: Псих. фан. ном. ... дисс. – Т., ЎзМУ, 2009. – Б.37.; Эгамбердиева Н. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2010. – 332 б.

³ Ярхо В.Н., Лобода В.И., Кацман Н.Л. Латинский язык. – М.: Высшая школа, 1994. – 286 с.; Античная культура. Литература, театр, искусство, философия, наука. Словарь-справочник/ Под ред. В.Н.Ярхо. – М.: Лабиринт, 2002. – 320 с.; Бабушкин А.П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. – Воронеж: ВГУ, 1996. – 86 с.; Белов А.М. Ars Grammatika. Книга о латинском языке. – М.: ГЛК Ю.А.Шичалина, 2007. – 192 с.; Боровский Я.М. Латинский язык как международный язык науки// Проблемы международного вспомогательного языка. – М., 1991. – С.70-76.; Кацман Н.Л. Методика преподавания латинского языка. – М.: Владос, 2003. – 226 с.; Мирошенкова В.И., Федоров Н.А. Учебник латинского языка. – М., 1993. – 198 с.; Подосинов А.В., Щавелева Н.И. Введение в латинский язык и античную культуру. – М., 1994-1995. – 314 с.; Труженикова Л.А. Латинский язык как средство овладения учащейся молодежью понятийно-терминологическим аппаратом права: Дисс. ... канд. пед. наук. – Махачкала, 2002. – 174 с.; Чернявский М.Н. Латинский язык и основы медицинской терминологии – Москва: Высшая школа, 1989. – 350 с.

⁴ Ходжаева Л.У. Лотин тили. – Т.: ЎзМЭ, 2005. – 65 б.; Туракулов Ё.Х., Усманходжаев А. Русча-лотинча-ўзбекча тиббий терминлар изоҳли луғати. – Т., 1999. – 188 б.; Якубов С.И. Русско-латинский-узбекский медицинский словарь. – М.: Северо Восток, 1995. – 165 с.; Болиев М.Н. Лотин тили ва тиббиёт терминологияси. –Т.: Абу Али ибн Сино, 2002. – 256 б.

тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4-122. «Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.), «ОТ-Ф1-36. Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш» (2017-2020 йй.) мавзуидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тиббиёт олий таълим муассасаси талабаларини лотин тилини ўқитишда интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг дидактик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

педагогик-психологик манбаларда ёритилган материалларни умумлаштириш орқали талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг ижтимоий зарурият эканлигини ёритиб бериш;

«Лотин тили ва тиббий терминология» фанининг дидактик имкониятларини таҳлил қилиш ва маданий тавсифдаги ўқув материалларини танлаб олиш;

лотин тилини ўқитишда аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантириш жараёнига технологик ёндашувни татбиқ этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш;

талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришга доир амалга оширилган тажриба-синов ишлари ва тадқиқот натижаларига асосланиб, илмий-назарий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти тиббиёт олий таълим муассасаси талабаларини лотин тилини ўқитишда интеллектуал-маданий ривожлантиришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг предмети лотин тилини ўқитиш жараёнида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантириш мазмуни ва дидактик тизими.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларнинг ечимини топиш учун педагогик кузатиш ва тажриба синов, математик-статистика, социометрик методлар (анкета, суҳбат, тест), умумлаштириш ва эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

лотин тилини ўқитишнинг методик таъминоти концентризм тамойили бўйича интеллектуал-маданий ривожлантириш параметр ва индикаторларни аниқлаштириш, баҳолаш мезонларини белгилаш, функционал омилларни тизимлаштириш асосида такомиллаштирилган;

лингвомаданий материалларни лойиҳалаштиришнинг дидактик тизими лотин тилини ўзлаштиришнинг лексик, терминологик ва афористик даражалари бўйича ишлаб чиқилган;

лотин тилини ўқитишнинг контекстли-концептуал технологияси талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг мантикий, абстракт, ижодий фикрлаш ҳамда прагматик компонентлари асосида аниқлаштирилган;

лотин тилидаги ўзлаштира, архаик сўз ва неологизмларни ўргатиш тизими лингвомаданий парадигма асосида когнитив тилшуносликнинг

герменевтик ва витаген технологиялари бўйича такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лотин тилини ўқитишнинг электрон модулли ўқув-услугий мажмуа яратилган;

ишлаб чиқилган тўрт тилли (лотин-рус-инглиз-ўзбекча) тиббий атамалар луғати ва «Лотин тили ва тиббиёт терминологияси» ўқув қўлланмаси амалиётга жорий этилган;

лотин тилини ўқитиш жараёнида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг методик таъминоти такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчиларининг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти интеллектуал ривожлантириш, маданий ривожлантириш, талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантириш тушунчалар тавсифи, талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантириш мезонлари, лингводидактик асослари, таъсир этувчи педагогик-психологик омиллари ва дидактик параметрлари белгилаб берилгани билан изоҳланади.

Мазкур тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, лотин тилини ўқитишнинг дидактик тизими, методик таъминотидан ўқув адабиётларни яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Лотин тилини ўқитишда талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг дидактик асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг мантиқий, абстракт, ижодий фикрлаш ҳамда прагматик компонентларини аниқлаштириш асосида лотин тилини ўрганишнинг субъект-объект (умумий интеллектга доир) ва субъект-субъект (ижтимоий интеллектга оид) тизими «Лотин тили ва тиббий фармацевтик терминология асослари» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (2016 йил 22 январдаги 26-119-сон гувоҳномаси). Мазкур ўқув қўлланма тиббиёт олий таълим муассасаларида мутахассислик фанларини ўзлаштириш, анатомик атамаларни таржима қилиш ва тушуниш, беморларга клиник ташхисни тўғри қўйиш, рецептларда фармацевтик терминларни грамматик ва орфографик жиҳатдан тўғри ёзишга хизмат қилган;

талабаларни антик давр цивилизациясини муваффақиятли ўзлаштириш, ахлоқий, эстетик ва миллий қадриятларни чуқур ўзлаштириш орқали ҳаётга, бўлажак касбга онгли муносабатни, масъулият ҳиссини ошириш, тил ва нутқ

шакллари таҳлил этиш компетентлигини ривожлантиришнинг лингвопедагогик мезонлари, талабаларни мустақил интеллектуал-билиш, маданият-шуносликка доир фаолиятга жалб этиш ҳамда назариянинг амалиёт билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш асосида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришга йўналтирилган концепт тизими ҳақидаги илмий хулосалардан «ОТ-Ф1-36. Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 89-03-3231-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг дидактик тизими ишлаб чиқилган;

талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг дидактик тизимини моделлаштириш асосида лотин тилини ўқитишнинг самарали технологиялари «ИТД-4-122 – Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 89-03-3231-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида талабаларни интеллектуал-маданий ривожланганлик даражасини ташхис этишнинг электрон-дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

лотин тилини ўқитишда талабалар анатомик билим асослари, клиник ташхис қўйишни тўғри ўрганиши ва рецептни тўғри ёзиш тўғрисидаги тасаввурга эга бўлишида фармацевтик терминларни ўрганишда фойдаланилган (Лотин-рус-инглиз-ўзбек тиббий атамалар луғати. – Т., 2017.). Мазкур луғат лотин, рус, инглиз ва ўзбек тилларидаги тиббий атамаларнинг маъносини тўғри англаш, тиббий терминология тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 1 та луғат, 1 та ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 130 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиш борасидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Лотин тилини ўқитиш жараёнида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда лотин тилини ўқитиш ва талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг ўзаро алоқадорлиги, лотин тилини ўқитиш жараёнида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ҳамда муаммонинг назарий ва амалий жиҳати тадқиқ этилган.

XX аср бошларида Ф.Зелинский антик давр маданияти, шу жумладан, лотин тилини ўрганишнинг замонавий жамият учун заруриятини асослашга йўналтирилган маърузалар мажмуини яратди⁵. У турли босқичларда лотин тилининг ўқитилиши ўша давр билан боғлиқлигига қарамасдан ҳам ҳамма вақт интеллект ва маданиятни бойитишдан иборат бўлиши лозимлигини таъкидлаган.

Н.Кацманнинг фикрича, олий таълим муассасаларида лотин тилини ўқитиш талабаларда лингвистик дунёқарашни таркиб топтириш, абстракт грамматик фикрлашни ривожлантириш, она тили ва хорижий тилларни ўрганишга илмий ёндашувни қарор топтириш, антик маданиятни ўзлаштириш орқали талабаларда умуммаданий ва интеллектуал компетентликни ривожлантириш⁶ каби лингвистик компетенцияларни шакллантиришга имкон беради. Талаба луғат ёрдамида лотин тилидаги матнларни ўқиш учун зарур грамматика ва лексикани ўзлаштириши унинг касбий компетентлигини такомиллаштириш имконини беради.

А.Подосинов лотин тилини ўқитишнинг етакчи мақсади индивидуал таълим стратегиясини шакллантириш эканлигини таъкидлаб, ушбу очик тавсифга эга ва нисбатан осон ўзлаштириладиган тил тизими умумий тарзда тилни ўрганишни ташкил этишга доир кўрғазмали ва қулай тасаввурларни ҳосил қилади ҳамда дунёнинг исталган тилини ўрганишга онгли ёндашиш имконини беради, деган хулосага келинган⁷.

Е.Цыркунова талабаларда ўқув автономлигини шакллантириш учун лотин ва замонавий чет тиллар орасидаги фанлараро алоқадорликнинг муҳимлигини таъкидлаб, «талабаларда ўқув автономлигини шакллантириш, шунингдек, инглиз ва рус тилларини ўқитишда лингвистик компетентликни

⁵ Зелинский Ф. Древний мир и мы. – М., 1997. – С.18-19.

⁶ Кацман Н. Методика преподавания латинского языка. – М., 2003. – С.9-24.

⁷ Подосинов А. Латинский язык в школе. История, задачи и методика преподавания. – М., 1996. – С.32.

таркиб топтириш имконини берадиган» лотин тилини ўқитиш методикасини ишлаб чиққан⁸.

Лотин тилини ўқитишда амалий, интеллектуал, маданий, тарбиявий компонентлар талабаларнинг интеллектуал-маданий ривожлантириш имконини беради.

Интеллектуал-маданий ривожланиш – шахс тараққиётининг муҳим тавсифини ўзида ифода этиб, ҳаётий фаолият жараёнида зарур бўладиган мустақиллик, индивидуаллик, билиш фаоллиги, фикрлаш, ўз-ўзини эркин намоён этиш, жамият талабларига мувофиқ фаол ҳаракатланиш, маданий меросни кенг миқёсда ўзлаштириш, юқори маданий савияга эга турмуш тарзини шакллантириш, эгалланган билим, кўникма ва малакаларни амалиётга татбиқ эта олиш қобилиятидир. Интеллектуал-маданий ривожланиш жараёнининг таркибий қисмлари сифатида мотив, билиш, билиш фаоллиги, мустақиллик, ижодийлик, дунёқараш, илмий дунёқараш, илмий қадриятлар, маданий қадриятлар кабиларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқитиладиган лотин тили фани талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришда «ақл гимнастикаси» вазифасини бажаради. Грамматик шакл ва категорияларни ўзлаштириш орқали талабаларда лингвистик тафаккур ривожланади.

Лотин тилини ўқитишда талабаларни турли муаммоли вазиятларнинг мустақил ечимини излаб топишга йўналтириш махсус билимларни оддий ўзлаштиришдан кўра катта аҳамият касб этади. Мазкур малакалар таълим олувчига келажакда зарур ахборотларни излаб топиш, қайта ишлаш, масаланинг туб моҳиятини англаб етиш, тўғри қарор қабул қилиш, шунингдек, тиббиёт олий таълим муассасалари талабалари томонидан қадимги юнон ва римликлар томонидан ишлаб чиқилган ахлоқий, сиёсий, эстетик қадриятлар билан танишиш қатъий ҳаётий позицияга эга фуқарони тарбиялаш ҳамда ўзининг шахсий фаолиятига масъулиятли муносабатни қарор топтириш имконини беради.

Лотин тилидаги сўзларнинг шакли ва маъносини таҳлил этиш асосида талабаларнинг тафаккурини бойитиш, шунингдек, синхрон режимда сўзларнинг тузилишини ўрганиш талабаларнинг аналитик тафаккурини ривожлантириб, тил шакллари, ўзлаштира, архаик сўзлар ва неологизмларни таснифлашни тақозо қилади.

Антик давлатлар фан ва маданиятининг бой меросини ўзида акс эттирган лотин тилини ўқитиш талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантириш ва уларни фаол мустақил изланишга ўргатиш; лотин тилининг қадимий асосларга эгаллиги; сўзларнинг шакли ва маъносини таҳлил этиш орқали талабаларда фикрий жараёнларни чуқурлаштириш; ўзлашма сўзларни ўрганиш, бошқа тиллар билан таққослаш; мумтоз грамматик шакллари ўзлаштиришнинг қийинлиги ва мураккаблиги, аналитик фикрлаш, архаизм ва ўзлашма сўзларни таҳлил этиш; лотин тили

⁸ Цыркунова Е. Формирование автономности студента лингвистического вуза на основе междисциплинарного взаимодействия учебных курсов (английского и латинского языков). Автореферат диссертации на соискание степени кандидата педагогических наук. – М., 2002. – С.5.

грамматикаси қонуниятларининг бошқа тилларга таъсирини англаб етиш каби муҳим жиҳатларни аниқлаш имкониятини беради.

Лотин тилини ўрганиш жараёнида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг муҳим компоненти сифатида нутқнинг хилма-хил турлари ва шакллари ўзлаштирилади. Жумладан, матнни чуқур қайта ишлаш орқали ташқи (оғзаки) нутқ ёрдамида материални қулай идрок этиш; ёзма нутқ учун ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотнинг мнемоник тавсифини ўзлаштириш вазифаси ҳал этилади. Диалогик нутқда суҳбатдошнинг фикрларини тушуниш ва унга мос жавоб қайтариш кўникмасини эгаллаш талаб этилади. Монологик нутқ нутқий фаолиятнинг мураккаб тури сифатида масаланинг моҳиятини чуқур мушоҳада этиш ва нотиклик малакасини ривожлантиришни тақозо этади.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида лотин тилини ўқитишда талабаларни *интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг параметрлари*:

тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқитиладиган лотин тили фани мазмунини интеллектуал-маданий тавсифдаги маълумотлари;

миллий-маданий моҳиятни ёрқин акс эттирувчи ўқув бирликлари;

лотин тили ўқув материаллари бўйича соатлар ҳажми;

тиббий терминларнинг фонетик, грамматик ва лексик ҳажми;

маданиятшуносликка доир мавзулар, концепт ва воқеликлар тизими.

Талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг когнитив, фаолиятга доир ва амалий мезонлари асосида индикаторлари қуйидагича аниқланди:

лотин тилидаги терминларни билиш;

лотин тили терминларини фонетик, грамматик ва лексик жиҳатдан тушуниш;

матнлар билан ишлаш жараёнида лотин тилидаги тиббий терминларни қўллаш олиш.

Диссертациянинг «**Лотин тилини ўқитиш жараёнида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг дидактик тизими**» деб номланган иккинчи бобида «Лотин тили» фанини ўқитишнинг лингвомаданий имкониятлари, лотин тилидаги матнлар билан ишлаш воситасида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантириш технологияси ҳамда аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида лотин тилини ўқитишнинг интеллектуал-маданий тизими ёритиб берилган.

Тил – маданиятнинг кўзгуси бўлиб, унда нафақат инсонни ўраб олган реал борлиқ, унинг реал яшаш шароитлари, балки халқнинг ижтимоий ўзини ўзи англаши, унинг менталитети, миллий характери, ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқи, кадриятлар йиғиндиси ва дунёқараши ҳам акс этади. У лексика, грамматика, иборалар, мақол ва маталлар, фольклор, бадиий ва илмий адабиёт, оғзаки ва ёзма нутқда маданий кадриятларни сақлаб келади⁹; тил маданият ташувчиси бўлиб, у аждодлардан авлодларга миллий маданият хазинасини мерос қилиб қолдиради; тил маданиятнинг қуроли сифатида халқ

⁹ Robins R. H. General Linguistics. An Introductory Survey. – London, 1971. – P. 27; Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. – М., 1990. – С. 26.

маданияти воситасида инсон шахсиятини, тил соҳибини шакллантиради. Демак, тил «бизнинг ҳаёт тарзимизни тавсифловчи ижтимоий мерос қилиб олинган малака ва ғоялар мажмуи»¹⁰ сифатида маданиятдан ташқарида мавжуд бўлолмайди. Тил инсон фаолиятининг тури сифатида маданиятнинг таркибий қисми ҳисоблана-да, тафаккур шакли ва мулоқот воситаси сифатида маданият билан бир қаторда туради.

Лингвокультурология тилни маданият феномени сифатида ўрганувчи фан бўлиб, ўзаро алоқадорликда бўлган тил ва маданият унинг предметини ташкил қилади. Бинобарин В.Н.Телия бу ҳақда шундай ёзади: «Лингвокультурология инсоний, аниқроғи, инсондаги маданий омилни тадқиқ этувчи фандир. Бу эса шуни билдирадики, лингвокультурология маркази маданият феномени бўлган инсон тўғрисидаги антропологик парадигмага хос бўлган ютуқлар мажмуасидир»¹¹.

Лингвомаданий парадигма – бу дунёқарашнинг этник, ижтимоий, тарихий, илмий ва ҳоказо ўзаро алоқадорликдаги категорияларини акс эттирадиган тил шаклларидаги мажмуидир. Лингвомаданий парадигма концептларни, категориал сўзларни ва шу кабиларни бирлаштиради. Тил шакллари парадигманинг асоси ҳисобланади.

Профессор Н.Маҳмудов лингвокультурологияда концептнинг ўрганилиши хусусида шундай ёзади: «Лингвокультурологик тадқиқотларда айнан концептнинг ифодаланиши муаммоларига жуда катта эътибор қаратилмоқда, интернет материаллари билан танишганда, масалан, Россиядаги тилшуносликларда бу йўналиш ниҳоятда кенг тарқалганини кўриш мумкин, бу борадаги ишларни санаб, саноғига етиш мушкул. Ҳатто сўнгги йилларда ёқланган номзодлик диссертацияларининг жуда катта қисми айнан у ёки бу тилда концептнинг лингвокультурологик тадқиқига бағишланган»¹².

Концепт – бу тилда ўз номига эга бўлган ва инсоннинг воқелик тўғрисидаги маданий-миллий тасаввурини акс эттирувчи ментал моҳиятдир. Концептлар турли тилларда мос келмайди, зеро турли халқларда борлиқ тўғрисидаги миллий-маданий тасаввур турфа хилдир. Янада муҳим концептлар (маданият тоифалари)га макон, вақт, сана, ҳақиқат ва адолат, дўстлик, душманлик, севги, нафрат, хурсандчилик, қайғу мавзуларини киритиш мумкин.

Тили ўрганилаётган мамлакатнинг воқеликлари лингвомамлакатшуносликнинг асосий объектларидан бири ҳисобланади. Воқеликлар – бу тили ўрганилаётган мамлакатнинг ҳаёти, маданияти, тарихи, қаҳрамонлари, анъана, урф-одатларига тааллуқли реал далиллардир. Воқелик сўзининг ўзи отнинг лотинча сифати, рус тилида ўхшаш лексика тоифаси таъсири остида отга айланувчи кўплик ҳисобланади. Филология фанларида воқеликнинг икки ёқлама таърифи мавжуд: воқелик – халқнинг, мамлакатнинг ҳаёти, турмуш тарзи, маданият назариясига хос бўлган фан, тушунча, ҳодиса бошқа халқларда учрамайди; воқелик – фан, ҳодиса, шунингдек, сўз бирикмасини англатувчи сўз (одатда фразеологизм, мақол, матал, шундай сўзларни ўз

¹⁰ Сепир Э. Язык. Введение в изучение речи // Избранные труды по языкознанию и культурологии. – С. 185.

¹¹ Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1996. – С. 222.

¹² Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2012. – № 5. – Б. 9.

ичига олувчи тушунчалар).

«Лотин тили» фанининг хусусиятлари, унинг атамашунослик мазмуни ва маданий-мазмунли ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда дарсларда лингвомамлакатшунослик материални узатишнинг тизим ҳосил қилувчи компонентлари сифатида концепт ва воқеликни аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашувда концепт материалнинг йирик бирлиги (мавзу, кенг тушунча), воқелик эса – унинг янада хусусий ва алоҳида намоён бўлиши (муайян тушунча, сўз) сифатида кўриб чиқилади. Ушбу ёндашув ўқитишда кетма-кетлик ва босқичлилиқ педагогик тамойилларига мос келади ҳамда ўқитувчига ўқув материали, унинг ҳажми, дарснинг вазифалари ва талабаларнинг имкониятларига боғлиқ ҳолда мураккаблиқ даражасини эркин тарзда тизимлаштириш ва ўзгартириш имконини беради.

Лотин тилидаги матнлар билан ишлаш жараёнида талабалар мамлакатшунослик ва маданиятшуносликка доир маълумотларни таҳлил этиш ва таққослаш асосида касбий компетентликка эга бўлишади. Матнлар билан ишлаш жараёни алгоритмик кетма-кетлик асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ лотин тилини ўрганишнинг барча босқичлари мазмунига лингвомаданиятшуносликка доир ахборотларни сингдиришда қуйидаги даражаларни ўзида акс эттириши лозим.

I даража – лексик. Сўзлар, уларнинг маъносини ўзлаштириш орқали фикрлаш жараёни ривожлантирилади. Масалан, ҳайвон – *pecus* сўзидан пуллар – *pecunia* сўзи келиб чиқиши товар-пул муносабатларининг ўзаро алоқадорлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

II даража – терминологик (атамашунослик). Ўқиш жараёнида антик ҳаётнинг турли соҳаларини акс эттирувчи атамалар, ижтимоий-сиёсий табиатга эга атамалар (масалан: *civitas, respublica, imperator, consul, princeps, patronus, cliens, triumphus* ва ҳ.к.), юридик атамалар (*jus, legislatio, advocatus, causa, iudicium* ва ҳ.к.), диний (*deus, augur, auspicia, templum, ara, pontifex, vestalis* ва ҳ.к.) санъатшунослик (*ars, pictor, columna, porticus, arcus, statua, simulacrum* в.б.), адабий (поема, *versus, stylus* ва ҳ.к.), маиший (*toga, tunica, schola, familia, matrona, matrimonium* ва ҳ.к.), табиий-илмий (*cella, solutio, nucleus, ferrum, reactio, turbulentus, calculatio, factus, effectus, quantus* ва ҳ. к.) соҳага доир атамалар билан танишадилар.

III даража – афористик (ҳикматли сўзлар билан танишиш ва таҳлил этиш). Ҳикматли сўзлар маълум бир тарихий воқелик билан боғлиқ бўлиб, уларни изоҳлаш жараёнида талаба маданий ҳаётга мурожаат қилади, масалан, *tabula rasa* («тоза доска») ифодаси стилос ёрдамида мумланган тахтачаларга ёзиш усули тўғрисидаги ҳикояни кўзда тутди; *dues ex machina* («машинадаги илоҳ») – юнон театри, унинг тузилиши ва драматургик тамойили тўғрисида; *divide et impera* («тақсимла ва ҳукмронлик қил») – Римнинг унга боғлиқ бўлган давлатга нисбатан империя сиёсати тўғрисида; *veni, vidi, vici* («келдим, кўрдим, ғолиб бўлдим») – Цезарнинг Потин шоҳи Фарнак билан курашидаги машҳур эпизод тўғрисида; *scio me nihil scire* («ҳеч нарсани билмаслигимни биламан») – Сукрот фалсафасининг асослари тўғрисида ва ҳ.к.

Лингвомаданий материалларни лойиҳалаштиришнинг дидактик тизими лотин тилини ўзлаштиришнинг лексик, терминологик ва афористик

даражалари бўйича ишлаб чиқилган. Маданиятшуносликка доир материаллар асосида лотин тилини ўзлаштириш даражаларини аниқлаштириш ҳамда интеллектуал-маданий фаолиятга доир ўқув ҳаракатларини алгоритмлаштириш талабаларда интеллектуал-маданий сифатларни ривожлантиришга хизмат қилади (1-жадвал).

1-жадвал

Лотин тилини ўқитиш жараёнида лингвомаданий материалларни лойиҳалаштиришнинг дидактик тизими

| Даражалари | Лотин тилини ўқитиш жараёнида лингвомаданий материаллар |
|--------------|---|
| Лексик | <ul style="list-style-type: none"> - сўз ва тушунчаларни қиёслай олиш кўникмасини шакллантириш; - лингвомаданий тасаввурларни бойитиш; - луғат бойлигини ошириш; - сўзнинг ясалиши, лотин ва ўзга тиллар ўртасида мантикий алоқаларни ўрнатиш; - сўзнинг маданият ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг ҳаёти билан ўзаро алоқасини тушуниш |
| Терминологик | <ul style="list-style-type: none"> - атамаларнинг маъносини англаш; - алоҳида сўз ва сўз бирикмаларининг кўп маънолилигини тушуниб етиш; - илмий атамашуносликнинг имкониятини кенгайтириш; хорижий маданий атамашуносликни янада тўлиқ тушуниш |
| Афористик | <ul style="list-style-type: none"> - хотирани ҳикматли сўзларни изоҳлаш, мақол ва маталларни ёд олиш орқали ривожлантириш; - лотин тилининг маданиятшунослик элементини уларнинг тарихий, дунёқарашга оид, маънавий, юридик, ижтимоий-сиёсий, эстетик маъносини мулоҳаза қилиш асосида ажратиб олиш воситасида англаб етиш |

Мазкур даражаларга асосланган ҳолда талабаларни матн билан ишлаш жараёни: матншуносликка доир материалларни танлаш, мавзуларни туркумлаштириш, матнда учрайдиган воқеликларни таҳлил этиш, талабалар томонидан аввал таниш бўлмаган, янги воқеликларни мустақил изоҳлаши ҳикматли сўзлар (афоризм) ёд олиш; матннинг асл нусхасини ўқиш ва таржима қилиш; антик ва миллий маданиятни маданий ҳамда лингвистик нуқтаи назардан қиёсий таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Лотин тилини ўқитишнинг контекстли-концептуал технологияси талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг мантикий, абстракт, ижодий фикрлаш ҳамда прагматик компонентлари асосида аниқланган. Бунда лотин тилидаги матнлар билан ишлаш жараёнида талабаларга концепт ва воқеликка асосланган алгоритмни тақдим этиш яхши самара беради. Концепт сифатида матннинг асосини ташкил этувчи ғоя танланади, сўнгра мазкур ғояга доир хусусий тушунчалар алоҳида-алоҳида воқелик сифатида талқин этилади. Талабаларни концептлар ва воқеликлар билан ишлаш жараёнида индивидуал ҳамда табақалаштирилган ўқитиш технологияларини татбиқ этиш ва амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Мавзуларни туркумлаштиришда қуйидаги таксономияга асосланилди (2-жадвал).

**Интеллектуал-маданий тавсифга эга ўқув материалларини
тизимлаштириш таксономияси**

| | | | | | |
|----------------------------|--|---------------------|-------|---------|------------------|
| Мавзунинг номлашини | Қадимги Рим ва Юнонистон табиати ва шаҳарлари | | | | |
| Ўқув бирликлари | Мамлакат | Географик жойлашуви | Аҳоли | Пойтахт | Асосий шаҳарлари |
| Мавзунинг номлашини | Қадимги Юнонистон афсоналари | | | | |
| Ўқув бирликлари | Афсонанинг номи | Афсона қахрамонлари | Сюжет | Ғоя | Артефактлар |

Ҳар бир талаба ўз қизиқишига мос равишда тиббиёт ёки фармакологиянинг бир ёки бир неча концептларини танлаши мумкин, ўқитувчи таклиф этган асосий танланган концептлар бўйича муқобил ғоялар, ўрганилган, таржима қилинган жумлаларни таснифлашга доир ўз вариантларни таклиф этиши мумкин; дарслик, қўлланма, луғатдан фойдаланган ҳолда бир концепт билан боғлиқ бир нечта изоҳни аниқлаш, жумлаларни ўзбек тилига таржима қилиш, бунда грамматика ва лексикология бўйича олинган билимлардан фаол фойдаланилади; танланган концептларнинг ўзбек тилидаги муқобилини аниқлаштириш; мунозара жараёнида асосий концептларни муҳокама қилиш ва таҳлил этиш; тиббий концептни рус ва инглиз тилларида ифодаланишини таҳлил этиш ва кластер тарзида тақдим этиш лозим. Қуйида айрим намуналарни келтириб ўтамиз (3-жадвал).

**Лотин тилини ўқитишда матнлар билан ишлаш бўйича
концептуал намуналар**

| № | Мавзулар | Концептлар | Воқеликлар |
|----------|---|--|---|
| 1. | Қадимги Юнонистон тиббиёти | Тиббиёт мактаблари, даволовчилар, тиббиёт тури, шифохона турлари, шифокорлар, даволаш усуллари, тиббиёт асбоблари, жисмоний машқлар, санитария жиҳозлари | Тиббиёт мактаблари: Крит (мил.ав. 700 й.), Кос (Гиппократ мактаби), Искандария шаҳри (Мисрнинг таъсири); табиблар: Гиппократ, Алкмеон, Арасту, Эмпедокл, Теофраст |
| 2. | Қадимги Римда ҳарбий тиббиёт | Ҳарбий тиббиёт | Валетудинариялар (valetudinarium), депутатлар (deputati), легион, Асклепия ороли |
| 3. | Тиббиёт рамзи | Умумий ва хусусий тиббий рамзлар | Рамз, тимсол, қадимги ва замонавий тиббиёт рамзлари |
| 4. | Қадимги юнонларнинг ҳаёти ва турмуш тарзи | Турар жой | Уйнинг аёл ва эркаклар яшайдиган қисмлари, мебель, ёритгич, сопол идиш товоқ |
| | | Кийим-бош | Кўйлак, тўғноғичлар, шиппақлар, туфли, қалпоқ, атир-упа |
| | | Юнонларнинг турмуш тарзи | Бадавлат юнонлар – агора, савдо расталари, зодагонлар, меҳмонлар; кашшоқ юнонлар – меҳнаткашлар; овқатланиш |

Тиббиёт олий таълим муассасаси талабаларини интеллектуал-маданий ривожлантиришда аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида интеллектуал ўйин ва ўқув лойиҳа юқори самарадорликка эга эканлиги ҳақидаги хулосага келинди.

Лотин тилидаги архаик сўз ва неологизмларни ўзлаштириш лингво-маданий парадигма асосида субъект-объект ва субъект-субъект тизими бўйича такомиллаштирилган. Мазкур тизим қуйидагича амалга оширилган:

интеллектуал ўйинлардан фойдаланиш;
«Виртуал саёҳат» ўқув лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;
амалий машғулотни ташкил этиш ва ўтказишнинг технологик алгоритми.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида лотин тилини ўрганишга доир тўғарак машғулотлари жараёнида интеллектуал ўйинлардан фойдаланиб «Гап бўлаклари», «Гапни давом эттиринг», «Сурат устида ишлаш», «Жумла қаердан олинган?», «Турли тилларда гаплашамиз» каби интеллектуал ўйинлар ўтказилди. Масалан, «Лотин тили» фанининг «Мамлакатшунослик» бўлимини ўрганиш «Сурат устида ишлаш» ўйинидан қуйидаги тарзда фойдаланилди: иштирокчилар икки гуруҳга бўлинишди ва суратда акс этган воқелик асосида ҳикоя тузиш топшириғини олишди. Мазкур жараёнда қадимги дунё кишиларининг турмуш тарзи ва маданияти билан боғлиқ расмлардан фойдаланилди. Ҳикояни тузиш жараёнида бир гуруҳнинг бошқасига таклиф этган сўзларидан фойдаланиш талаб этилди. Бир гуруҳ от сўз туркумига кирувчи, бошқа гуруҳ сифат сўз туркумига кирувчи сўзларни тақдим этишди. Ўйин жараёнида талабаларнинг мантикий фикрлаши ҳамда оғзаки ва ёзма нутқи ривожлантирилди.

Тадқиқот жараёнида «Виртуал саёҳат» ўқув лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўтказишга эътибор қаратилиб, у тили ўрганилаётган мамлакат, археологик манзилгоҳ ва қадимги Эллада ёдгорликларига экскурсия тарзида ташкил этилди. Мазкур ўқув лойиҳаси қуйидаги босқичларга асосланган ҳолда ўтказилди: тайёрлов босқичи: виртуал саёҳат ўтказиладиган жой ва унинг вақти эълон қилинди; иштирок этиш истагини билдирган талабалар рўйхати тузилди; саёҳат йўналиши ва мавзулар танланди; виртуал саёҳат иштирокчиларининг вазифалари ва роллари тақсимланди; виртуал саёҳатни ўтказишга доир манбалар – дарслик, тарихий, илмий ва бадиий адабиётлар, Интернет сайтлари, виртуал музейлар ҳақида маълумот берилди; ташкилий босқич қуйидаги жиҳатларни ўзида акс эттирди: тилшунослик (сўз, сўз бирикмалари, ҳикматли сўзлар) ва тарихий-маданий (қаҳрамонлар, ютуқлар, географик жойлашув) воқеликка доир материалларни танлаш; виртуал саёҳат «картаси»ни тайёрлаш; саёҳат шакллари (оғзаки экскурсия, слайдлар тақдими, шеърят кечаси, сахна кўриниши, викторина) ва воситалари (кема, автомобил, от, самолёт, пиёда) танланди; қисқача йўл кўрсатмаси ишлаб чиқилди; амалий босқичда саёҳат ташкил этилди: талабалар томонидан виртуал саёҳат материаллари асосида ахборотнома ва газеталар яратилди; саёҳатчилар ва томошабинларнинг фикр-мулоҳазалари ва таассуротлари таҳлил этилди; томошабин талабалар томонидан «Тақризлар

китоби», «Янги ғоялар кундалиги» кабилар тўлдирилди; баҳоловчи босқичда амалга оширилган виртуал саёҳат натижалари таҳлил этилди, йўл қўйилган хатоликлар ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилди.

